

CHIRCHIQTONGI

Toshkent viloyati
Chirchiq shahar
hokimligining
ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2025-yil, 6-iyun JUMA
22-son (10269)



БОЛАНИНГ БЎШ ВАҚТИ —

«Долзарб 90 кун»



Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан республика миқёсида «Долзарб 90 кун» лойиҳаси йўлга қўйилди. Лойиҳа доирасида 1 июндан 30 августгача мактаб ўқувчилари ва уюшмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни соғломлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилиши режалаштирилган.

ДУШМАННИНГ ИШ ВАҚТИ

Ушбу лойиҳани самарали ўтказиш мақсадида куни кеча вилоят ҳокими З.Мирзаев раҳбарлигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан танишди.

Ёзги таътилни самарали ташкил этиш бўйича берилган топшириқларнинг асосий мақсади — ота-оналар ишда бўлган пайтда болалар вақтини уйда бекор ўтказишнинг олдини олишдир. Шу сабабли шахримизда жойлашган 25 та мактабда кундузги оромгоҳлар ташкил этилиб, уларда роботехника, спорт, рассомчилик, шахмат,

шашка, нотиклик, театр, ёш китобхон, «Тоза қўллар» каби йўналишларда тўғараклар фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди. Шунингдек, лойиҳа давомида ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар, олий таълим ректорларининг кубоги, таълим сифати паст бўлган мактабларда фанлар кесимида малака дарсларини ташкиллаштириш, «Китоблар карвони» лойиҳаси асосида маънавий-маърифий тадбирлар, «Вилоят бўйлаб саёҳат қил» лойиҳаси асосида диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштириш кўзда тутилган. Умумтаълим мактабларида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, шахримиздаги мактабларда билим олаётган 13 047 нафар ўқув-

чининг тадбирлар ва тўғаракларга жалб қилиниши белгилаб олинган.

— Ўқув йилининг тўққиз ойи давомида мактабда таҳсил олиб чарчаган ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли, мароқли ва соғлом ўтказишлари муҳим. Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Долзарб 90 кун» лойиҳаси педагоглар учун жуда муҳим ташаббус бўлди. Ҳар бир мактабда соғломлаштириш майдончалари, тўғараклар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бугунги йиғилишда берилган топшириқ, таклиф ва мулоҳазалар иш жараёнимизга янада жиддий ёндашишимизга туртки бўлди. Вилоят ҳокими томонидан лойиҳа натижаларига кўра, янги ўқув йили

олдидан вилоят кесимида 15 та энг яхши кўрсаткичга эга бўлган мактабнинг мукофотланиши бизни янада илҳомлантирди. Мактабимиз жамоаси билан «Долзарб 90 кун» лойиҳаси давомида яхши натижаларга эришишга сидқидилдан ҳаракат қиламиз, — дейди 18-мактаб директори Улуғбек Имомалиев.

Ушбу дастур ёзги таътилни нафақат дам олиш, балки ўқувчи-ёшлар учун ўсиш, ўрганиш, ривожланиш ва янги имкониятлар сари йўл сифатида қаралаётганини кўрсатмоқда. Мазкур ташаббус келажақ авлоднинг соғлом, билимли ва фаол бўлиб улғайиши учун муҳим замин яратади.

Ўз мухбиримиз

ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ

Куни кеча шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши раиси Муроджон Абдурахимов олиб борди.

Унда кун тартибига асосан шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги ички йўللарни сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича 2025 йил учун дастлабки манзилли рўйхатни тасдиқлаш, шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбарининг тизимда коррупцияга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи, Чирчиқ шаҳар маҳаллий



бюджетининг 2025 йил 1-чорак орттириб бажарилган манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш, Чирчиқ шаҳрида 2025 йил жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот порталида «Менинг боғим» лойиҳасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича масъулларнинг ҳисоботлари тингланди. Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашига сайланган депутатнинг депутатлик ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳам сессия жараёнида муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масалалар юзасидан депутатларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди ва тегишли вазифалар белгилаб олинди.



Мусахон БОБОЕВ,
Чирчиқ шаҳар “Амир ўғли
Ҳасанбой” жоме масжиди
имом-хатиби

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Аллоҳ таолога битмас-туганмас
ҳамду санолар бўлсин.

Бугун мусулмонларнинг энг мўътабар байрамларидан бири – Қурбон ҳайитини нишонламоқдамиз. Бу кунда Аллоҳ таолонинг кўплаб хайру баракаси ер юзидаги бандалари устига ёғилади. Ҳар йили Қурбон ҳайити ҳалқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда юқори даражада ўтказиб келинмоқда. Ушбу саодатли дамларда барчамиз бу улугъ айёмнинг руҳи ва шукуҳини чуқур ҳис этиб, эл-юртимиз билан биргаликда шундай ёруғ кунларга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамыз.

Муҳтарам Президентимиз 30 май куни қадимий ва бетакрор байрамлардан бири бўлган Қурбон ҳайитининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонпарварлик,

эзгулик, шукроналик ва меҳр-оқибат сингари анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, ушбу улугъ байрамни мамлакатимизда муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарорни имзолади.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига мувофиқ байрам кунларида ўзаро меҳр-оқибатни, мурувватни, ҳамкорлик ва биродарликни яна ҳам кучайтиришимиз айна муддаодир. Шунингдек, бу муборак кунларда оналаримизни, устозларимизни, қариндош-уруғлар, ёр-биродарларни, бемор ва муҳтожларни зиёрат қилиш, ҳол-аҳвол сўраш, уларга ҳадялар бериб, ширин сўзларимиз билан хушнуд этиш байрам кайфиятига янада қувонч бағишлайди. Шундан келиб чиқиб, муборак кунларда яқинларимизнинг, меҳрга муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олайлик. Қурбонлик тарқатишда ана шу эҳсонга муносибларни излаб топишга ҳаракат қилайлик. Аразлашган, қариндошлар, дўст-биродарларни яраштириб қўйиш учун ҳайит куни яхши бир имконият эканлигини ёдда тутайлик.

Мамлакатимиздаги ислохотлар, мўмин-мусулмонларга берилаётган кенг имкониятлар туфайли бу йил ҳожиларимиз сони ўтган йилдагиларга нисбатан деярли икки баробарга кўпайтирилди. Юртдошларимиз у ердаги шароит ва қулайликлар, уларга кўрсатилаётган эътибордан жуда ҳам хурсандликларини яширмаяптилар, Аллоҳ таоло барчаларининг ибодатларини қабул, дуоларини ижобат айлосин.



ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда Қурбон ҳайити юртимизда ҳукм сураётган тинчлик – хотиржамлик, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлиги туфайли нишонланаётгани барчамизга аён.

Дарҳақиқат, тинчлик, осойишталикдан кўра тансиқроқ, азизроқ неъмат йўқ. Юрт нотинч бўлса, тўй-томоша, хурсандчилик, ўйин-кулгу татимади. Урушлар туфайли инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, одамгарчилик унутилади, бошланган хайрли ишлар, улугъ мақсадлар қолиб кетади. Барчанинг ҳаётидан ҳузур-ҳаловат, турмушдан ором-фароғат кўтарилади. Биз – мўмин, мусулмонлар доимо хушёр бўлиб, турли фитналарга йўл очмаслигимиз даркор. Шундай экан, Аллоҳ таоло устимизга ёғдириб қўйган тинчлик-эмин-

лик неъматининг қадрига етайлик.

Маълумки, Қурбон ҳайитини халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш, маҳалла ва хонадонларимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кексалар, ёшлар ва хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, ҳеч кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмасликка қаратилган эзгу ишларимизда муқаддас динимиз, унинг инсонпарварлик моҳиятини ўзида яққол ифода этадиган ушбу файзли байрам биз учун ибрат мактаби, куч-ғайрат манбаи бўлиб хизмат қилади, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

АҚЛ ВА ЖИСМ УЙҒУНЛИГИ САРИ ҚАДАМ

Бугунги кунда ҳар томонлама соғлом, ақлан баркамол, жисмонан баққуват ва маънавий етук авлодни тарбиялаш ҳар бир жамиятнинг устувор вазифасидир. Шу жиҳатдан жисмоний тарбия ва спорт тарғиботи нафақат инсон саломатлигини сақлаш, балки унинг иродасини мустаҳкамлаш, интизомли ва масъулиятли шахс бўлиб етишишида муҳим ўрин тутаяди.

Жисмоний тарбия – инсон организмининг жисмонан ривожланиши, ҳаракат фаоллигини таъминлаш, иммунитетни мустаҳкамлаш воситасидир. Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлодни спортга жалб этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса ёш авлод вакиллари нафақат саломатлиги, балки жамоавий ишлаш қобилияти, мақсадга интилиш, лидерлик салоҳиятини ривожлантиради. Чунки, жисмоний тарбия танани мустаҳкамлаш билан чекланиб қолмайди. У ёшларнинг ақлий фаоллигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланадиган инсонларнинг фикрлаш тезлиги, диққатни жамлаш қобилияти ва таҳлил қилиш салоҳияти юқори бўлади.

Абдулла Авлонийнинг таъкидлашича, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва илм-маърифатга эга бўлмоқ учун ҳам баданни тарбия қилмоқ зарур. Шунингдек, жисмоний тарбия иш қобилиятини оширади, умрни узайтиради, қадди-қоматни гўзал ва тик қилади, куч-қувват беради, эпчил ва чаққон қилади. Шундай экан, ёшларни жисмоний бақувват қилиб тарбиялаш – бу битта ота-она, мактабнинг иши эмас, балки умумдавллат муаммоси саналади.

Иммунитетни кучайтириш, қон айланишини яхшилаш, ортиқча вазни назорат қилиш, мушакларни мустаҳкамлаш мақсадида соғломлаштириш машқлари бажарилади. Соғломлаштириш машқлари одатда енгил ва ўртача юкламага эга.

Хусусан, эрталабки юриш ва югуриш организмни уйғотиш, кунни фаол ўтказишда, умумий

соғлиқни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Қон босимини барқарорлаштиради, юрак мушаклини мустаҳкамлайди. Бу ўз навбатида инфаркт ва гипертония каби касалликларнинг олдини олади. Сузиш бутун танага бир хилда таъсир қилади. Қўл, оёқ, елка, қорин ва бел атрофидаги мушаклар ишлайди. Бу танани симметрик ва чиройли шакл пайдо бўлишига ёрдам беради. Ортиқча вазндан халос қилади. Стресс ва руҳий чарчоқни камайтиради. Велосипед ҳайдаш юрак-қон тизими учун фойдали. Артрит ва бўғим муаммоси борлар учун қулай машғулот ҳисобланади. Мия фаолиятини фаоллаштиради. Фитнес машқлари танани фаол ҳаракатга келтирувчи ритмик машқлар ҳисобланади. Жисмо-



ний бақувватлиқни оширади. Мушакларни ривожлантиради. Асаб тизимини барқарорлаштиради. Онг ва диққатни жипслаштиради. Йога ва нафас машқлари жисм, ақл ва нафасни уйғунлаштирувчи машқлар мажмуаси бўлиб, жисмоний ва руҳий барқарорликни таъминлайди. Бел ва умуртқа муаммоларини камайтиради. Нафас машқлари ўпкани тўлиқ ва тўғри ишлашга ўргатади. Астма ва нафас қисишга қарши яхши таъсир кўрсатади. Қонни кислотарод билан бойитади. Диққат ва хотира кучаяди. Уйқусизлик камаяди.

Бу машқлар ҳар қандай ёшдаги одамлар учун фойдали бўлиб,



махсус тайёргарлиқни талаб қилмайди. Машғулотлар кетма-кетликни, кун ва ҳафта давомида ўз вақтида олиб борилишини талаб этади. Машқлар ҳафтасига камида 3-4 марта бажарилиши керак. Машғулотлар олдида баданни қиздириб олиш, машқлар орасида дам олиш ва охирида совитиш машқлари ўтқазилиши лозим. Ҳар бир инсон ўз ёши ва ҳолатига қараб ўзига мос машғулотни танлаши тавсия этилади.

Спорт ёшларни ҳаётда юзага келадиган қийинчиликларга бардошли бўлишга, ўзини назорат қилиш, интизомли ва масъулиятли бўлишга ўргатади. Хулоса қилиб аядадиган бўлсак, жисмоний тарбия соғлом, ақлли ва маънавий юксак шахсини тарбиялашда ажралмас омил ҳисобланади. У соғлом авлод-соғлом келажак тамойилини рўёбга чиқаришда асосий пойдеворлардан бири саналади. Шу боис, жисмоний тарбияга бўлган муносабатни жамиятда янада юксалтириш, уни таълим тизимининг устувор йўналишларидан бири сифатида ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Равшанжон МАМАТҚУЛОВ,
Чирчиқ давлат
педагогика университети
Жисмоний маданият
факультети катта
ўқитувчиси

«Баркамол авлод» болалар мактаби ёш истеъдодларнинг ҳар томонлама ривожланишида кўмакчи вазифасини ўтаётганлиги бор гап. Шаҳримизда фаолият юритаётган мазкур даргоҳда ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

БОЛАЛИКНИНГ БАХТЛИ ОНЛАРИ



Куни кеча ўтказилган «Бахтли болалик» номли тадбирда ўқувчилар ўз ижод намуналарини намойиш этиш баробарида эгаллаган билимларини синовдан ўтказишди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Чирчиқ шаҳар бўлими, шаҳар «Нуроний» жамғармаси ҳамда «Қабутар» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда расмлар танлови ва қувноқ стартлар мусобақаси ўтказилди. Рақс тўгараги аъзолари томонидан намойиш этилган мусиқий чиқишлар ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Танловларда ғолиб бўлган ўқувчилар диплом ва ташаккурнома билан тақдирланишди.

«Нуроний» жамғармаси ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ўқувчиларга эсдалик совғалар ва музқаймоқлар тарқатилди.

Қувонарлиси, мазкур муассасада 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган қизлар миллий ва замонавий рақс, бадий тўқиш, каштачилик, мунчоқли безак, либос дизайни тўгаракларига, ўғил болалар эса доира, ёш дастурчи, робототехника, шахмат, майда пластика, кулолчилик каби кўплаб тўгаракларга қизиқиб қатнашмоқда. Тил ўрганишга иштиёқи баланд ўқувчилар эса рус ва инглиз тили тўгаракларида ўз билимини ошириб, ёзги таътилининг мароқли ўтказишмоқда.

Гулбаҳор ҚЎЧҚОРОВА,
Чирчиқ шаҳар «Баркамол авлод» болалар мактабининг
тадбирлар ташкилотчиси

ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ – БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА

Бугунги тезкор ўзгарувчан дунёда таълим, айниқса, бошланғич таълим босқичи, жамият тараққиётининг асосий пойдевори ҳисобланади. Келажак авлодларни замон талаблари даражасида тайёрлаш учун таълим тизимига доимий равишда янги, инновацион ёндашувлар киритиш зарурати тобора ортиб бормоқда. Айнан шу мақсадни кўзлаб, Чирчиқ давлат педагогика университети, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, М.Аюзов номидаги Жанубий Қозоғистон университети, Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат педагогика университети ҳамда "Academic Research in Educational Sciences (ARES)" илмий журнали ҳамкорлигида «Таълим тизими ва бошланғич таълим босқичининг назарий, дидактик ва методологик инновацион ёндашувлари: миллий ва халқаро тажриба» номли халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуман нафақат Марказий Осиё ва Россия, балки Туркия ва Афғонистон каби мамлакатларнинг етакчи олим ва педагоглари бир давра атрофида бирлаштириб, бошланғич таълим соҳасидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари, шунингдек, илғор тажрибаларни муҳокама қилиш учун ноёб платформа вазифасини ўтади.

Анжуманнинг асосий мақсади – замонавий таълимнинг глобал ва минтақавий қақриқларига жавоб бериш, бошланғич таълим сифатини оширишга қаратилган амалий ечимларни излаб топиш бўлди. Тадбир давомида иштирокчилар ўртасида фикр алмашилиб, келажакдаги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Анжуман жараёнида Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси Миллий институти профессори, педагогика фанлари доктори – Шукрулло Мардонов томонидан «Ўқув жараёнида интерфаол методлари қўллаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, баҳолаш тизимларини такомиллаштириш», Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат педагогика университети-нинг «Тил назарияси ва ўқитиш методикаси» кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди Парвиз Неъматовнинг «Ўзбекистон, Қо-

зоғистон, Тожикистон ва бошқа МДХ давлатларида бошланғич таълим соҳасида эришилган ютуқлар, олиб борилаётган ислохотлар ва мавжуд муаммолар» ҳамда филология фанлари доктори, Едитепе университети Гуманитар ва табиий фанлар факультети Таржимашунослик бўлими катта ўқитувчиси Эргенекон Маягулнинг «Туркия, Афғонистон ва бошқа давлатларнинг бошланғич таълим тизимидаги илғор амалиётлари, халқаро стандартлар ва уларни маҳаллий шароитларга мослаштириш имкониятлари» мавзусидаги маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Анжуманнинг муҳим жиҳати, турли мамлакатларнинг бошланғич таълим соҳасидаги миллий тажрибаларини халқаро амалиётлар билан қиёслаш имконияти яратилди. Хусусан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли

ислохотлар, Президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар, бошланғич синфларда инновацион ўқув дастурларини жорий этиш, шунингдек, рақамли таълим платформаларини ривожлантириш ва АКТ кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

Қозоғистонда «Билим» ва «Назарбаев интеллектуал мактаблари» тажрибалари, уч тилли таълим тизимини жорий этишга уринишлар амалга оширилмоқда.

Тожикистонда таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Россияда аъъанавий кучли таълим тизими билан бир қаторда, замонавий технологияларни интеграциялаш, болалар ривожланишини индивидуал мониторинг қилиш тизимлари амалда ишлатилмоқда.

Туркияда таълим тизимини Европа стандартларига мослаштириш, илғор ўқитиш методларини жорий этиш, ўқитувчилар малакасини ошириш дастурлари ҳамда Туркияда мактабга-ча ва бошланғич таълимга катта эътибор берилаётгани ҳам тилга олинди.

Афғонистонда қийин ижтимоий-сиёсий шароитларга қарамай, таълим тизимини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар қилинмоқда. Бу тажрибаларнинг қиёсий таҳлили ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, умумий ечимлар ва энг яхши амалиётларни топишга ёрдам беради.

Тадбир давомида халқаро мутахассислар томонидан бошланғич таълим тизимини янада ривожлантириш борасида бир қатор муҳим тавсиялар илгари сурилди. Хусусан, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқитиш методлари, технологиялар ва педагогик ёндашувлар бўйича мунтазам тренинглар ва малака ошириш курсларини ташкил этиш, халқаро тажриба ва замонавий талаблар асосида ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, таълим жараёнига ота-оналарни фаол жалб этиш, уларнинг фарзандлари таълимига масъулиятини ошириш ҳамда ўқитувчиларнинг халқаро лойиҳаларда фаол иштирок этишлари ва илғор тажриба алмашишларини таъминлаш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, анжуман натижалари нафақат иштирокчи мамлакатлар таълим тизими ривожига ҳисса қўшиши, балки бошланғич таълим тизими сифатини ошириш бўйича янги йўналишларни белгилаши шубҳасиз. Бундай халқаро тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши педагогик илмий тадқиқотларни рағбатлантириш, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва келажак авлодлар учун сифатли таълимни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Фазилат ХУДАЙҚУЛОВА,
Наргиза АРТИКОВА,
Чирчиқ давлат педагогика
университетининг Бошланғич
таълим факультети ўқитувчилари

КЕЛАЖАК ТУРИЗМИ – БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Глобаллашув даврида туризм фақатгина дам олиш соҳаси эмас, балки иқтисодий ўсиш, маданий алмашинув ва таълим жараёнида ҳам муҳим омилга айланди. Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Президент фармон ва қарорлари асосида ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, тарихий обидаларни тиклаш, замонавий инфратузилмани яратиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу эса мамлакатга келаятган сайёҳлар сонининг ортishiга, янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилмоқда.

Юртимизда тарих, маданият, табиат ва замонавий инфратузилма ажойиб тарзда уйғунлашган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарлар дунё бўйлаб сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. Шу билан бирга, янги Ўзбекистонда туризмга оид қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда: виза тартиблари соддалаштирилмоқда, меҳмонхоналар, транспорт ва йўл инфратузилмалари янгиланмоқда, маҳаллий ва халқаро туристик форумлар ўтказилмоқда.

Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масаласи. Ана шундай мутахассислар Чирчиқ давлат педагогика университети-нинг Туризм факультетида етиштириб чиқмоқда. Олийгоҳда махсус туризм йўналишлари ташкил этилиб, чет эл тажрибалари ўрганилмоқда. Ушбу факультет талабалари нафақат назарий билимлар, балки амалиётда зарур бўлган кўникмаларни ҳам ўзлаштирмоқдалар.

Факультетимиз тарихидаги инглиз тили назарияси ва амалиёти кафедрасида чет тилларини ўрганиш орқали талабаларимиз сайёҳлар билан эркин мулоқот қилишни, чет эл маданияти ва урф-

одатларини тушунишни, меҳмонга нисбатан юсак маданият билан ёндашишни ўрганмоқда. Устозлар дарс ўтибгина қолмай, балки ҳаётий тажриба, касбий маслаҳатлар ва туризмдаги сўнгги янгиликлар билан ҳам ўртоқлашишади.

Факультетимиз талабалари турли тадбирларда, кўргазма ва экскурсияларда, амалиёт жараёнларида иштирок этиб, билимларини синаб кўриш имконига эга. Туристтик агентликлар, меҳмонхоналар, тарихий обидалардаги амалиётлар улар учун катта тажриба мактабини ўтамоқда. Зеро, туризм таълимида меҳмонхоналар, сайёҳлик агентликлари ва музейлар билан ҳамкорликда амалий тажриба ўтиш имкониятлари яратилаётгани туризмни ривожлантиришга қўйилган муҳим қадамлардан биридир. Бу талабаларнинг соҳани тўлиқ англаб, меҳнат бозори талабларига мослашувига хизмат қилади.

Университет ректори Ғафуржон Муҳаммедов, факультет декани Фурқат Ражабов ҳамда кафедра муди-раси Диана Абдураманова раҳбарлигида туризм таълимига жиддий ёндашув йўлга қўйилган. Улар замонавий ўқув жараёнини, янги лойиҳаларни жорий этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида самарали иш олиб бормоқдалар.



Эътиборлиси, бу жараёнда факультетнинг барча ўқитувчилари фаол қатнашиб, ҳар бир талабанинг ривожланишига ёрдам бермоқда.

Туризм ривожини таълим тизимига янгича ёндашувларни талаб этади. Шундай экан, келажакда ушбу соҳада рақобатбардош ва замонавий билимга эга кадрлар етиштириб чиқиши учун таълим жараёнини бозор эҳтиёжларига мос равишда ташкил этиш зарур. Туризм ва таълим ўзаро боғлиқликда ривожланса, бу нафақат соҳа, балки мамлакат тараққиёти учун ҳам муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Улуғбек ЭЛМУРАДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика
университети Туризм
факультети катта
ўқитувчиси

Ҳозирги тезкор замонда ижтимоий тармоқлар талабалар ҳаётида катта ўрин тутаяди. Улар таълим, фанга оид янгиликлар, дарс материаллари, илмий мақолалар, видеодарслардан кенг фойдаланадилар. Таълим муассасасидаги тадбирлар, семинар ва мусобақалар тўғрисида тезкор маълумот олиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, гуруҳдошлар, устозлар ва бошқа таълим олувчилар билан алоқа қилиш, тажриба алмашишлари мумкин.

ЁРДАМЧИМИ ЁКИ ВАҚТ ЎЎҒРИСИМИ?

Олий таълим муассасамизда ҳам ижтимоий тармоқдан фойдаланувчилар сони йилдан йилга ортмоқда. Айниқса, ёшлар орасида телеграм, тик-ток ва инстаграмга қизиқиш ниҳоятда юқори. Бу бир томондан, ахборот алмашинуви ва ижодий ривожланиш учун катта имконият. Масалан, Чирчиқ давлат педагогика университети талабаларининг айримлари ўз блогларини юритмоқда, таълимий саҳифалар очмоқда, она тили, тарих, инглиз тили бўйича фойдали видеодарслар улашмоқда. Бу – қувонарли ҳол, албатта.

Аммо, ижтимоий тармоқларнинг фойдаси билан бирга, салбий томонлари ҳам мавжуд. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик ижтимоий тармоқларда вақтини самарасиз сарфламоқда. Кераксиз видеолар, ёлғон маълумотлар, салбий таъсир кўрсатувчи саҳифалар – ёшларнинг вақтини эгаллабгина қолмай, балки руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Лайк ва комментарийларга боғланиб қолиш, бошқалар билан таққослаш каби муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Тарқатилган ёлғон, нотўғри маълумотлар тарқалиши сабабли талабалар адашиши, нотўғри хулосалар чиқариши мумкин. Шунингдек, эҳтиёт чоралари кўрилмаса, шахсий

маълумотлар ёки суратлар турли нохуш ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Шаҳримиздаги 13, 17-сонли умумтаълим мактабларида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, ўқувчиларнинг ярми ижтимоий тармоқларга кунига 2 соатдан ортиқ вақт ажратилишини билдирган. Бу эса ўқишга бўлган эътибор ва уйқу тартибига салбий таъсир кўрсатаётганини англатади.

Ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш – замон талаби. Бу борада ота-оналар фарзандларига нафақат таққиров билан, балки тушунтириш, намунавий фойдаланиш орқали ёрдам беришлари керак. Мактаб ва олий таълим муассасаларида эса ахборот маданиятига оид сабоқлар, танловлар, тарғибот ишлари йўлга қўйилиши лозим.

Ижтимоий тармоқлар – талабалар учун восита. Улардан қандай фойдаланиш талабанинг ўзига боғлиқ. Агар ундан нотўғри фойдаланилса, қимматли вақтларини ва руҳий барқарорлигини эгалловчи омилга айланиши мумкин.

Маҳлиё АҲМАДАЛИЕВА,
ЧДПУ Бошланғич таълим
факультети ўқитувчиси

ИЛМ ВА ДЎСТЛИК ЙЎЛИДА

Олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш ва илмий интеграция муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан қаралганда, Чирчиқ давлат педагогика университети профессор-ўқитувчиларининг Туркистон шаҳрида жойлашган Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетига амалга оширган ташифи – нафақат икки олий таълим муассасаси ўртасидаги илмий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги маданий-маърифий ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мазкур ташиф доирасида Чирчиқ давлат педагогика университети делегацияси университет ректорати, факультет декани ва етакчи профессорлари билан учрашувлар ўтказди. Сухбатлар чоғида педагогика, тилшунослик, тарих ва замонавий таълим технологиялари бўйича ҳамкорликда лойиҳалар ишлаб чиқиш, ўзаро профессор-ўқитувчилар алмашинуви ва қўшма илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, университет кутубхонаси, замонавий лабораториялар, дарс заллари ва маданий масканлар билан танишилди. Бу ерда олиб борилаётган тадқиқотлар икки халқнинг умумий тарихий илдизлари ва маънавий қадриятларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Ташиф доирасида ўтказилган давра суҳбатлари, очик дарслар ва маърузалар орқали икки университет ўртасида аниқ амалий ҳамкорлик йўналишлари белгилаб



олинди. Жумладан, 2025 йилдан бошлаб талаба алмашинув дастурларини жорий этиш, магистратура ва докторантура босқичида қўшма илмий раҳбарлик тизимини йўлга қўйиш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Мазкур ташиф нафақат илмий ҳамкорлик, балки дўстлик ва қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари азалдан бир туپроқда қад ростлаган, бир илдиздан сув ичган, бир маконда тил ва дин, урф-одат ва қадриятларда муштарак бўлган қардош халқлардир.

Илм, маърифат ва дўстлик руҳидаги бу ташиф, шубҳасиз, келажакда ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб беради. Чирчиқ давлат педагогика университети ва Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети ўртасидаги бу мулоқотнинг илдиз отиб, баракали медалар беришига ишонч билдирамыз.

Шаҳноза МУХТАРОВА,
Чирчиқ давлат педагогика
университети Гуманитар
фанлар факультети Ўзбек
тилшунослиги кафедраси
ўқитувчиси

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ

Глобаллашув жараёнлари барча соҳалар каби таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жаҳон тажрибасини ўрганиш, хорижий давлатлардаги илғор таълим тизимлари билан танишиш талабаларнинг билим ва кўникмаларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутди. Шу боис, кўплаб мамлакатлар талабаларга хорижий сафарлар учун молиявий ёрдам шаклида ссудалар ажратиш амалиётини жорий қилмоқда. Бу йўл орқали иқтидорли ёшлар халқаро майдонда ўзини синаб кўриш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда ҳам охириги йилларда таълим соҳасини халқаролаштириш, хорижий тажрибаларни жалб қилиш ва айрим дастурлар орқали талабаларни чет элга юбориш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 майдаги қарори билан тасдиқланган «Work and travel» халқаро дастурларида иштирок этувчи талаба ёшларнинг ишлаш ва саёҳат қилиш мақсадида хорижий давлатларга бориши ва келиши билан боғлиқ харажатлар учун ссуда ажратиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан 2025 йил 15 майдан бошлаб «Work and travel» дастурларида иштирок этувчи талаба ёшларнинг хорижий давлатларга бориши ва

келиши билан боғлиқ харажатлари учун ссуда ажратилиши белгиланди.

Ссуда — бу муайян шартлар асосида берилган фоизсиз қарз бўлиб, муайян мақсадлар учун берилди ва белгиланган муддат ичида қайтарилиши шарт.

Давлат хизматидан фойдаланиш учун 16 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган, «Work and travel» дастури доирасида ишлаш ва саёҳат қилиш учун хорижий давлатга (Европа Иттифоқи давлатлари, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия) кетаётган Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотининг кундузги, кечки ёки сиртки таълим шакли бўйича таҳсил олаётган (битирувчи курс талабалари бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган талаба ёшлар Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали мурожаат қилишлари мумкин. Уларга бепул хизмат кўрсатилади. Ссуда миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари миқдорида ҳар йили 2000 нафаргача талабаларга ажратилади.

Иқтидорли талабаларга хорижий давлатларга бориб-келиш имониятини яратиш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш келажакда юқори салоҳиятга эга мутахассисларни тарбиялашнинг муҳим омилидир. Ссуда ажратиш тизими фақатгина таълим эмас, балки мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини ошириш, илмий ва технологик тараққиётни рағбатлантириш учун ҳам муҳим пойдевор бўла олади.

Достон НАЗИРОВ,
Чирчиқ шаҳар
Адлия бўлими
Давлат хизматлари
маркази етакчи
мутахассиси

Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳуқуқий мустаҳкамликни таъминлаш, мулк ҳуқуқини кафолатлаш ва мулкка оид битимларнинг қонунийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади

ДАВЛАТ РЎЙХАТИ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ АСОС



Мамлакатимизда нотурар кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Қонунига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва Давлат кадастрлари палатаси томонидан тасдиқланган тартибларга асосан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказиш учун мулк эгаси ёки унинг вакили кадастр органларига нотурар кўчмас мулк-

ни рўйхатга олиш учун ёзма ёки электрон шаклда ариза беради.

Ариза билан бирга шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID карта), мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома, қарор, мерос ҳужжати ва ҳ.к.), геодезик ва техник ҳужжатлар, солиқ органларидан маълумотнома (зарурат бўлса), давлат божи тўғрисида квитанция каби ҳужжатлар тақдим этилади.

Кадастр органлари тақдим этилган ҳужжатларни 5-10 иш куни ичида кўриб

чиқади.

Ҳужжатлар тўғри деб топилгач, мулк давлат кадастрига киритилади ва рўйхатдан ўтганли-

ги тўғрисида гувоҳнома (электрон ёки қоғоз шаклида) берилади.

Нотурар кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш нафақат мулк ҳуқуқининг қонунийлигини таъминлайди, балки унинг келгусида фойдаланиш, тасарруф этиш ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатлар учун асос яратади. Шу боис, ҳар қандай мулк эгаси ўз мулкни расмийлаштиришни кечиктирмаслиги лозим.

Нотурар кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистонда ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситасидир. Бу жараёни ўз вақтида амалга ошириш нафақат мулкдорга, балки давлатга ҳам иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойда келти-
ради.

Мафтуна
РУСТАМОВА,
Давлат хизматлари
марказининг етакчи
мутахассиси

ИЖОД БИЛАН ҲАМНАФАС ИНСОН

Ҳақиқий истеъдод ҳеч қачон сўнмайди. Аксинча, тинимсиз меҳнат эвазига тобора сайқал топиб, ўзини ҳар томонлама намён этиб боради. Ниғматуллодаги кўшиқ айтиш ва мусиқага бўлган қизиқишни эрта пайқаган устоз Тўлқин Рўзметовнинг шаҳардаги ном таратган санъат тўғаракларига қатнаб, қобилиятини янада ошириши зарурлиги борасидаги маслаҳатлари, мусиқага ёшлиқдан меҳр қўйган ҳамда унинг сеҳрли садопарисиз ўзини тасаввур эта олмайдиган бола учун гўё катта ҳаётга йўл очгандек гап эди. Шу тариқа у «Чирчиқ ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати»нинг ўша пайтдаги Маданият саройи қошида фаолият олиб бораётган бадий ҳаваскорлик тўғарагига қатнай бошлади. Ўзига яраша тиниқ овози, юксак маҳорати, мусиқага бўлган иштиёқи ва албатта, ўз устида тинимсиз ишлаши орқасида санъат шинавандаларининг тилига тушди. Комбинатдаги ва ўзи таълим олаётган мактабдаги бадий кечалар, маҳалладаги тўй-ҳашамлар, шаҳардаги катта-кичик тадбирлар Ниғматулло иштирокисиз ўтмайдиган бўлди. Таниқли созанда ва хонандалардан кўшиқ айтиш, мусиқа чалиш сир-синаотларини қунт билан ўрганиб борди. Рубоб, афғон рубоби, дутор, тор, доира чалиш сирларини мукаммал ўзлаштирди. Дастлаб шаҳар, сўнгра вилоят ва республика миқёсида ўтган «Биз — талантларни излаймиз» кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Ўрта мактабни тугаллаб, ўзи меҳр қўйган соҳа бўйича олийгоҳни битирди ва ёш авлодга мусиқадан таълим бера бошлади.

— Мусиқа, кўшиқ инсонга юқори қайфият берибгина қолмай, унинг маънавиятини оширишга, дунёни ҳар томонлама мукаммал англашга ўргатади, — дейди биз билан суҳбатда Ниғматулло Зоиров. — Санъат одамларни фақат эзгуликка ундайди. Шунинг учун ҳам бутун умримни ёш авлоднинг халқимизнинг маънавий мероси — мусиқа ва санъатга бўлган қизиқишини ва қобилиятини, истеъдодини ҳар томонлама камол топтиришдек эзгу ишга бағишладим. Етмишинчи йилларда шахримиздаги «Кимёгарлар», «Металлург» саройларида тўғараклар ташкил этиб, бадий ҳаваскорлар ҳаракатининг олдинги сафларида бўлишига ўз ҳиссамни қўшдим. Меҳнат фаолиятимнинг салкам 40 йили бевосита Қибрайдаги 29-мусиқа мактаби билан боғлиқ. Бу маскандан етишиб чиққан кўплаб истеъ-



дод эгалари бугунги кунда мамлакатимиз маданияти ва санъати ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётгани билан ҳақли равишда фахрланаман.

— Вақт — оқар дарё, — дейди чирчиқлик — халқимизнинг ардоқли эстрада хонандаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Анвар Ғаниев. — Дарҳақиқат, устознинг босиб ўт-

ган ҳаёт йўли кўплар учун ибрат мактабидир. Дунёда касблар кўп. Шулар орасида инсонни маънавий камолотга, икки дунё саодатига етакловчи бир касб борки, бу касб эгаларини ҳар қанча эъзозлаб, бошларга кўтарсак, меҳр кўрсатсак кам. Улар бизга ҳарф ўргатган, таълим берган устоз ва мураббийлардир. Улар ўз билими ва истеъдодини мурғак



қалб эгалари бўлмиш ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлайди. Бундан ҳам шарафлироқ вазифа борми дунёда! Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз устозимни шукрона қилиб билан муборакбод этаман!

— Сиздан ҳунар ўрганган ёшлар юртимизнинг нуфузли маданият ва санъат муассасаларида шараф билан меҳнат қилиб, халқимиз корига яраётгани, меҳнатидан бахт, шўҳрат топаётгани бизга қувонч бағишлайди, — дейди устознинг яна бир шогирди, «Ниҳол» мукофотининг соҳиби Мирижод Миркомиллов.

— Бир нарсига имоним қомилки, бу касбни танлаб асло янглишмагансиз. Келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни она-Ватанга чексиз муҳаббат, истиқлолимизга садоқат руҳида тарбиялаб, жажжи фарзандларимизга касб ўргатиб, уларни катта ҳаёт йўлига етаклаб олиб чиқишдан ҳам кўра фахрлироқ иш бўлмаса керак инсонга! Шунинг учун ҳам Сиз ҳамиша эл-юрт ардоғида, эътиборидасиз. 28-мусиқа мактабининг аҳил жамоаси ҳам ўқувчи-ёшларнинг истеъдоди-

ни, интеллектуал салоҳиятини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни доимо қадрлайди. Таълим тизимида олий тоифали ўқитувчи номига эга бўлишнинг ўзи нақадар катта бахт эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз ва Сизни айём билан муборакбод этишдан бахтиёрмиз.

Бу каби дил изҳори билдирган шогирдларнинг кўпчилиги бизни қувонтиради, албатта.

— Маданият ва санъат соҳасида нимагаки эришган бўлсам, азиз ва мўътабар устозим Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуровдан чексиз миннатдорман, — дейди суҳбатимиз асосида Ниғматулло Зоиров. — Қўшиққа, мусиқага бўлган иштиёқимни оширган, мақом халқ ижодиётига муҳаббат уйғотган бу инсондан кўп нарсаларни ўргандим.

Халқимизда «Истеъдод ва қобилият доимо ижод билан ҳамнафас, ҳаммаслак бўлади», деган доно ҳикмат бор. Ниғматулло Зоиров бир қанча китоб ва рисоалар муаллифи ҳамдир. Шу кунгача, унинг 20 га яқин китоб ва рисоалари ўз ўқувчилари-

га етиб борган. Чирчиқликлар унга сифат берганда таниқли педагог, эл-юрт ардоғидаги «ижодкор ўқитувчи» дея севиб, қадрлашади. «Боғистон навлари», «Сабр дарахти», «Боғистонлик боламан», «Хаёлимда ёлғиз сен» шеърлар тўпламлари ва қатагон қурбонлари ҳақида (ҳаммуаллифликда) ёзилган «Жафокашлар» тарихий рисоалари бугун китоб муҳлисларининг маданий-маънавий мулкига айланган. Дарвоқе, «Жафокашлар» асари «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловининг совринига ҳам сазовор бўлган.

Тиниб-тинчимас Н.Зоиров мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Чирчиқ шаҳрида ўзбек тилида газета чоп этиш ташаббусини кўтариб чиққан ижодкор-муштарийлардан бири ҳисобланади. Унинг бу орзу-ўйлари қарор топганидан чексиз миннатдор. «Турон» фанлар академияси академиги сифатидаги хизматлари эса алоҳида бир мавзу.

Гарчи бугун 70 ёшни қарши олган мўйсафид бўлсада, Ниғматулло Зоировнинг жамоат ишларидаги фаоллигидан барча миннатдор. Айниқса, «Нуроний» жамғармасининг маҳалла кексалар гуруҳи раиси сифатида олиб бораётган фаолияти диққатга молик. У бошлиқ гуруҳ камбағалликни қисқартириш, аҳоли ўртасида ижтимоий-маънавий муҳит мўътадиллигини сақлаш ва асраш борасидаги саъй-ҳаракатларини бугун барчага ибрат қилиб кўрсатсак арзийди.

Абдул ҲАМИД

ЭЪЛОН

Молия ҳисоб ишончномаси «FTF–LEA–AUDIT» МЧЖ (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 1 апрелдаги АО № 00747–серияли лицензияси) аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган ва барча мавжуд аспектлар бухгалтерлик ҳисоби миллий стандартига тегишли равишда тайёрланган. Ушбу ахборот МЧЖнинг 2025 йил 30 майдаги № 25–026 ҳисобот ишончномаси ҳақидаги аудиторлик хулосасини ўзида мужассамлаштирган.

"LOMBARD YANGIBOZOR KREDIT" MChJнинг (ташкилотнинг номи) баланс ҳисоботи 2024 йил «31» декабрь ҳолатига

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР		минг сўмда
	АКТИВЛАР		
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари		11 970
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар		64 452
30	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзлар		141 146
40	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — факторинг, брутто	0	
41	Минус: факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0	
42	Факторинг, соф (40 код — 41 код)		0
50	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	3 448 399	
51	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0	
52	Кредитлар, соф (50 код — 51 код)		3 448 399
60	Лизинг, брутто	0	
61	Минус: лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0	
62	Лизинг, соф		0
70	Инвестициялар, брутто	0	
71	Минус: Инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0	
72	Инвестициялар, соф		0
80	Асосий воситалар, соф		8 609
90	Номоддий активлар, соф		0
100	Бошқа хусусий мулклар	0	
101	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0	
102	б. Бошқа хусусий мулклар, соф (100 код — 101 код)		0
110	Бошқа активлар		56 145
120	Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)		3 730 721
	МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ		
	МАЖБУРИЯТЛАР		
210	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар		0
220	Лизинг бўйича мажбуриятлар		0
230	Чиқарилган облигациялар		0
240	Тўланиши лозим бўлган фойзлар		0
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар		43 031
260	Муддати узайтирилган даромадлар		0
270	Бошқа мажбуриятлар		3 725
280	Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)		46 756
	КАПИТАЛ		
310	Устав капитали		850 000
311	а. Акциялар — оддий	0	0
312	б. Акциялар — имтиёзли	0	0
320	Қўшилган капитал		0
330	Заҳира капитали		0
331	а. Умумий заҳира фонди	0	
332	б. Бошқа заҳира ва фондлар	0	
340	Тақсимланмаган фойда		767 905
350	Жорий йил фойдаси (зарар)		2 066 061
360	Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)		3 683 965
370	Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)		3 730 721

"LOMBARD YANGIBOZOR KREDIT" MChJнинг (ташкилотнинг номи) молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи 2024 йил «31» декабрь ҳолатига

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР	минг сўмда
	1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроқарзлар) бўйича фойзли даромадлар	2 618 705
130	Ўзини ўзи банд қилган шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фойзли даромадлар	0
140	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитлар (микрокредитлар) бўйича фойзли даромадлар	0
150	Юридик шахсларга берилган кредитлар (микрокредитлар) бўйича фойзли даромадлар	0
160	Лизинг бўйича фойзли даромадлар	0
170	Бошқа фойзли даромадлар	0
180	Жами фойзли даромадлар (110+120+130+140+150+160+170)	2 618 705
	2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	17 148
220	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
230	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
240	Чиқарилган облигациялар бўйича фойзли харажатлар	0
250	Лизинг бўйича фойзли харажатлар	0
260	Бошқа фойзли харажатлар	0
270	Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250+260)	17 148
310	3. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (180—270)	2 601 557
320	Минус: кредит ва лизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330	Кредит ва лизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310—320)	2 601 557
	4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	Кафолатлар ва кафиликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар	0
420	Факторинг хизматлари бўйича олинган даромадлар	0
430	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида олинган фойда	0
450	Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	0
460	Бошқа фойзсиз даромадлар	620 174
470	Жами фойзсиз даромадлар (410+420+430+440+450+460)	620 174
	5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	119 747
520	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар	0
530	Инвестициялардан кўрилган зарарлар	0
540	Бошқа фойзсиз харажатлар	51
550	Жами фойзсиз харажатлар (510+520+530+540)	119 798
600	6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+470-550)	3 101 933
	7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	399 013
720	Ижара ва таъминот харажатлари	135 314
730	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	Маъмурий харажатлар	89 879
750	Репрезентация ва хайрия	12 555
760	Эскириш харажатлари	2 026
770	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	25 513
780	Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	664 299
800	8. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900	9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600—780—800)	2 437 633
	10. Фойда солиғи	
1000	Фойда солиғини баҳолаш	371 573
1100	11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	2 066 061
1110	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200	12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	2 066 061

Изоҳ: Жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлар

MAYDONDA BIR SOHA VAKILLARI

Sport har bir insonni jismonan sog'lom, yetuk va barkamol bo'lishida muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababdan ham yurtimizning barcha hududlarida aholini sportga jalb qilish borasida ko'plab musobaqalar, turnirlar, kuboklar tashkil qilinayotganining guvohimiz.

Toshkent viloyatining ma'muriy markazi Nurafshon shahrida joylashgan "Nurafshon Arena" o'yingohida ommaviy axborot vositalari xodimlari, soha faxriylari va ijtimoiy tarmoq faollari o'rtasida spartakiadaning tashkillashtirilishida ham ayni maqsadlar ko'zlangani shubhasiz.



Viloyat hokimligi, AOKB, Sport boshqarmasi va viloyat Jurnalistlar uyushmasi tomonidan tashkil etilgan mazkur musobaqada tuman-shahar ijodkorlaridan tuzilgan jamoalar sportning stol tennisi, shaxmat, shashka, futbol va voleybol turlari bo'yicha o'zaro bellashishdi.

E'tiborlisi shundaki, mazkur musobaqada Chirchiq shahrida faoliyat olib borayotgan soha vakillari ham faol ishtirok etib, faxrli o'rinni qo'lga kiritishdi.

Jumladan, sportning shaxmat turi bo'yicha "Chirchiq live" kanali blogeri Sunnat To'rayev 2-o'rinni, sportning stol tennisi turi bo'yicha ayollar o'rtasida "Chirchiq tongi" gazetasi fotomuxbiri Malika Riskidinova 3-o'rinni, sportning voleybol turi bo'yicha ayollar o'rtasida "Chirchiq tongi" gazetasi xodimlari va jamoatchi muxbirlaridan tashkil qilingan jamoa 3-o'rinni egallashdi.

Musobaqa sovrindorlarini viloyat hokimi Zoyir Mirzayev taqdirladi.



Muassis:

Toshkent Viloyati Chirchiq Shahar
HOKIMLIGI"Chirchiq tongi" gazetasi tahrir
hay'ati:**Murodjon ABDURAHIMOV**

(tahrir hay'ati raisi)

Hotamjon SAYDAHMEDOV**G'afurjon MUHAMEDOV****Shavkatbek MAMAJONOV****Ibrohim HASANOV****Saodat MUSAYEVA****Ilhom ASADOV**

Bosh muharrir:

Iroda**MUHAMMAZIZOVA**Gazetaga 1932-yilda asos
solingan2011-yil 22-avgustda Toshkent
viloyati Matbuot va axborot
boshqarmasida 03-024 raqam
bilan ro'yxatga olingan**Manzili:** 111700,Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,
Amir Temur ko'chasi, 1-uy, 409,
410, 411 va 412-xonalar**Adadi:** 3000 nusxa.**Hajmi** - 1,5 bosma taboq.

Qog'oz bichimi A-3. Ofset

usulida bosilgan. Bahosi

kelishilgan narxda

ISSN 2181-7170

Telefonlar:**Qabulxona:**

71-71-5-36-40.

E'lonlar va hisob-kitob

bo'limi:

71-71-5-00-14

Nashr indeksi: 64694

Topshirish vaqti-13.00.

Topshirildi-14.00.

Gazeta tahririyat kompyuter
markazida**Xatira YUSUPOVA**

tomonidan sahifalandi

Navbatchi:

Malika RISKIDINOVATahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi
va muallifga qaytarilmaydi.
Reklama materiallaridagi dalillar
va faktlarga tahririyat javobgar
emas«NISO NASHRIYOT VA MATBAA
UYI» MCHJ bosmaxonasida
chop etildi.

Korxona manzili:

Toshkent viloyati, O'rta Chirchiq
tumani,Mash'al mahallasi, Markaziy
ko'cha, 1-uy.**Buyurtma №**

"O'RMON ISTIROHAT BOG'I" DA ROHATLANIB DAM OLING!

Xalqimiz azaldan obod shahar va qishloqlar, bog'u rog'lar, betakror madaniy obidalar bunyodkori sifatida shuhrat qozonib kelmoqda. Ushbu ezgu an'anani davom ettirgan holda shahrimizda yana bir so'lim go'sha – "O'rmon istirohat bog'i" tashkil etildi.

Zamonaviy ko'rinishda qad rostlagan ushbu bog' xalqimizga, shahrimiz aholisiga munosib sovg'a bo'lishi, shubhasiz.

Mazkur istirohat bog'ini barpo etish ishlari 2022-yilda "International Beverages Tashkent" mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi xorijiy korxona tomonidan boshlanib, bugungi kunga qadar 5,0 mln dollardan ortiq investitsiya jalb etildi. Hozirda bu yerda 50 ta yangi ish o'rinlari yaratilgan bo'lib, kelgusida yana qo'shimcha 100 ta ish o'rinini tashkil etilishi rejalashtirilgan.

Istirohat bog'ida shahar aholisi va mehmonlarining mazmunli hordiq chiqarishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgan. Xususan, zamonaviy kirish yo'lasi, bolalar maydonchasi, yoshlar uchun skeyt-park, yuqoriga ko'tarilish devori, yangi aylanma ko'priki, amfiteatr, salomatlik

yo'laklari, yam-yashil xiyobonlar, oqqushli ko'l, fotozonalar, kutubxona va bolajonlar uchun turli xil attraksionlar mavjud. Bundan tashqari, landshaft dizaynidagi tungi yoritish chiroqlari va qulay o'rindiqlar tashrif buyuruvchilar ixtiyorida bo'ladi.

– Bu hali hammasi emas, – deydi shahar hokimi Murodjon Abdurahimov bog'ning ochilish marosimidagi nutqida, – mazkur hududda qurilish-ta'mirlash ishlari davom etadi. Loyihaning ikkinchi bosqichida hududni yanada kengaytirish va o'zgacha dizayndagi yangi-yangi loyihalarni amalga oshirish ko'zda tutilmoqda. Istirohat bog'ining aynan 1-iyun – "Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni" arafasida foydalanishga topshirilayotgani esa qalblarimizga bir olam quvonch baxsh etmoqda.

Tantanalil ochilish marosimining badiiy qismi el suygan

san'atkorlarning chiqishlariga ulanib ketdi.

– "Tan olib aytish kerak, shahrimizda so'nggi yillarda



misli ko'rilmagan o'zgarishlar, imkoniyatlarning guvohimiz, buning barchasini xalqimizga bo'lgan e'tiborning mevasi, samarasi, deb bilamiz. Yangi tashkil qilingan



ushbu istirohat bog'ida nabiralirim bu yilgi ta'til kunlarini yanada maroqli o'tkazishadi, – deydi biz bilan suhbatda chirchiqlik Salima aya Mirjalolova.

Tadbir yakunida osmon-u falakni salyutlar yog'dusi qurshab oldi. Unutilmas lahzalarga boy bo'lgan bayram kechasi barchaga xushkayfiyat bag'ishladi.

ILMIY – MA'RIFIY TARG'IBOT TADBIRI



Kuni kecha Chirchiq davlat pedagogika universitetining katta majlislar zalida bo'lib o'tgan tadbir "Yangi O'zbekiston – Yangi Rennessans poydevori" ilmiy-ma'rifiy forumiga bag'ishlandi. Forumda mezbonlar bilan birga, O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti, Toshkent iqtisodiyot va pedagogika universiteti hamda shahar umumta'lim maktablari direktorlarining ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosarlari, shuningdek, psixologlari ishtirok etdilar.

Bir vaqtning o'zida Yoshlar markazining faollar zalida "Farovon hayotga ilk qadam" loyihasi asosida shu hududda joylashgan mahallalar kambag'al oilalar vakillari, ijtimoiy reyestrda kiritilgan yoshlar va shu toifa insonlar ishtirokida seminar-trening bo'lib o'tdi.

"Ma'rifat karvoni" ilmiy-ma'rifiy tadbiri "Arancha" qo'rg'onida joylashgan harbiy qism va Chirchiq Oliy tank qo'mondonlik muhandislik bilim yurti askar va kursantlari ishtirokidagi kino ijodkorlar uchrashuvi bilan davom etdi. Bu

galgi "Tirik tarix" loyihasi doirasidagi milliy kinofilmlar namoyishiga bag'ishlangan ma'naviy-madaniy tadbir ham bundan mustasno bo'lmadi.

Kunning ikkinchi yarmida CHDPUda olimlar va yoshlar bilan bo'lgan muloqot talabalar uchun chinakam minbar vazifasini o'tadi. Unda ijtimoiy yo'nalishda faol talabalar, magistrantlar va tadqiqotchilar ta'lim sohasida ilgari surilgan g'oya va startap loyihalarni qo'llab-quvvatlashlarini bildirdilar.

"Inson qadri" loyihasi doirasida

umuminsoniy qadriyatlarni targ'ib qilish, xalqlarimiz o'rtasida do'stlik, mehr-oqibat va hamjihatlikni yanada mustahkamlash hamda ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalar holidan xabar olish maqsadida "Muruvvat" mahallasida ham bo'ldilar.

Muxtasar qilib aytganda, bu madaniy-ma'rifiy tadbirlardan kutilgan maqsad xalqimizni, o'sib kelayotgan yoshlarimizni mamlakatimizda kechayotgan islohotlar va uning natijalaridan keng xabardor qilish, inson qadrini ulug'lash, odamlarning yaxshi yashashi va madaniy hayot kechirishi uchun zarur bo'lgan barcha shart-sharoitlarni yaratib berishga diqqat-e'tiborni qaratishdan iborat edi.

Malika RISKIDINOVA

E'LONLAR
AHOLI DIQQATIGA!

Xalq deputatlari Toshkent viloyati Kengashining 2025-yil 26-maydagi VII-13-70-10-0-K/25-sonli qarori bilan "Toshkent viloyati suv ta'minoti" AJ tomonidan mijozlarga suv ta'minoti va kanalizatsiya xizmatlari uchun 2025-yil 1-iyuldan yangi tariflar tasdiqlanganligini ma'lum qiladi.

Aholi uchun:

1 kub m ichimlik suv uchun – 2600 so'm QQSsiz, 2912 so'm QQS bilan;

1 kub m oqova suv uchun – 1300 so'm QQSsiz, 1456 so'm QQS bilan;

Byudjet tashkilotlari uchun:

1 kub m ichimlik suv uchun – 15000 so'm QQSsiz, 16800 so'm QQS bilan;

1 kub m oqova suv – 3000 so'm QQSsiz, 3360 so'm QQS bilan;

Ulgurji tashkilotlari uchun:

1 kub m ichimlik suv uchun – 15000 so'm QQSsiz, 16800 so'm QQS bilan;

1 kub m oqova suv 3000 so'm QQSsiz, 3360 so'm QQS bilan.

"Toshkent viloyati suv ta'minoti" AJ Chirchiq shahar filiali ma'muriyati

2021-yil 9-noyabrda 10-kichik nohiya 19-uy 15-xonadon uchun Karamanova Zubayra nomiga berilgan R-202101949002246 reyestr raqamli uy oldi-sotdi shartnomasi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.